



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил

6

май,

шанба

№35

(11.220)

Эркин нархда сотилади

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ — КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва жой-joyига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига етук, билимдон ва пок мутахассисларни тавсия этишда қўнунчилик ва ижтимоий адолат таъминлашга риоя этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тuzилин.

Унинг таркиби ва низоми тасдиқлансин.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Судлар тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарарлари ва Фармойишлари рўйбга чиқаришга қаратилган Фармон ва Фармойишлари ҳамда мазкур низоми асосида амалга оширади.

Комиссиянинг асосий вазифалари судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-joyига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш, судьяларни лавозимларга тайинлаш масалаларини ҳал этиш чоғида қўнунчилик ва ижтимоий адолат қафолатларини, шунингдек суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдан иборат, деб белгилансин.

3. Ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Ф-1038 сонли фармойишини ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Давлат маслаҳатчиси ў. Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 4 май.

ЯНГИ ФАРМОН — ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги уйда мамлакатимиз нефть ва газ саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Отаев, Ташқи ишлар вазирини А. Комилов ва "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси раиси И. Зайнутдинов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистонда нефть ва газ саноати равнакига катта эътибор қаратилмоқда. Истиқбол йилларида мамлакатимизда нефть ишлаб чиқариш ҳажми уч баробар орди. 1999 йилда 8 миллион тоннадан ортиқ "қора олтин" газ конденсати билан қазиб олинди. Газ қазиб чиқариш микдори эса ўтган йили 55,6 миллиард куб метрга етказилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 171та нефть ва газ қони аниқланган. Уларни ўзлаштириш ишлари тобора авж олмоқда. Ўтган қисқа муддатда Қўқдумалоқ, Алан, Урга каби бир қанча қонлар фойдаланишга топширилди.

Сир эмас, мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган. Бу жараён нефть ва газ саноатини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи, Андижонда ерости газ омбори қурилиб, ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шўртандаги газ-кимё мажмуи қурилиши эса жадал давом этапти. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда АКШнинг "Келлог", "Дресер-рэнд", "BSI", "АББ Луммус Глобал", Франциянинг "Текнип", Япониянинг "Мицуи", "Нисо иваи", "Марубени", "Жей-жи-си" ва "Тойо инжиниринг" каби йирик компаниялари иштироки бор. Сунги йилларда нефть ва газ қонларини ўзлаштириш ва уларда қазиш ишларини бажаришга хорижий сарможа жалб қилиш мақсадида "Бейчер" АКШ, "Бейтман" Исроил, "РПТ ойл холдинг" Руминия каби компаниялар билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мамлакатимиздаги мавжуд нефть ва газ захиралари пул ҳисобида 1 триллион АКШ долларидан ортиқ, деб баҳоланмоқда. Айни пайтда республикамизнинг барча нефть ва газ қазилувчи минтақаларида Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона геоло-

гик қидирув ишлари олиб борилапти. Айниса, Устюртда ихтисослаштирилган бургулаш ташкилоти тузилган, иш ҳажми кескин кенгайди.

Қидирув-разведка жараёнининг самардорлигини ошириш учун замонавий технология талаб этилади. Бу эса разведка қилинган захиралар ҳажмининг ошишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ақидида қабул қилинган "Нефть ва газ қонларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сарможаларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони айнан шундай мақсадларни кўзда тулади. Ушбу ҳужжатда Устюрт ҳамда нефть ва газ қонлари мавжуд бўлган бошқа минтақаларда қидирув ва разведка ишларини самарали амалга ошириш учун бевосита хорижий сарможа жалб қилиш Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг устувор йўналиши экани қайд этилган.

Фармонга биноан хорижий сарможадорлар эътиборини ушбу соҳага жалб этиш мақсадида уларга қўллаб-қувватлаш, қафолат ва имтиёзлар белгиланди. Жумладан, Устюрт минтақасида янги очилган нефть ва газ қонлари мавжуд бўлган бошқа минтақаларда қидирув ва разведка ишларини самарали амалга оширган хорижий компанияларга концессия асосида 25 йилга қадар муддатга ишлатишга берилиши мумкин. Бунда ушбу компаниялар қонларда ишлаш муддатини ўзайтириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, фармонда жуда катта қизиқиш билдирилаётгани беҳиз эмас. Чунки мазкур ҳужжатнинг ижроси нефть ва газ қонларини қидириб топиш, разведка қилиш ишларида бевосита хорижий сарможа жалб этиш ва соҳа қончаларининг ҳомаше базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анвар КАРИМОВ,
Ўза муҳбири.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ИНСОН ХОТИРАСИ!

Яхшиямки сен борсан. Бўлмаса ўтган кунларни қандай тирилтирар эдик. Тарихнинг олис суқмоқларида қолиб кетган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қандай тиклар эдик.

Халқимизда эзгу урфлар бисёр. Уларнинг биттасини бутун эсламоқ жозибдор. Қабр тепасида марҳум ҳақида: "Фалончи қандай одам эди?", деб сўралади. Шунда майитни охириги манзилга кузатиб келганлар: "Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши одам эди", дейди. Сабоби, барча марҳум бу дунёни яхши деган номда тарқ этишини хоҳлайди. Ёруғ дунёда яшаган одам ёмон бўлишини, ёмонлик қилишини истамайди.

Шундай деймиз, эл-юртнинг бундай дуосини, отаси-онаси ризолитини ололмай ҳаётдан кетганлар қанча! Уларни ном-ном биланми? Лоақал фарзандини эллик йил кутиб, унинг тириклигига ишониб яшаган онаизорларнинг излари-

фодорларнинг қабри қаердалигини биламизми? Бир калима оят билан уларнинг руҳини шод этамизми?

Президентимизнинг фидойилиги туфайли ўтган йили 9-май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди. Ватанимиз юрғи — Мустақиллик майдонида Хотира боғи ташкил этилди. Мамлакатимизнинг ҳар бир туманида, гушасида, шу жумладан, вилоятимизда ҳам Хотира хиёбонлари, майдонлари бунёд этилди. Улар халқнинг табаррук зиёратгоҳига айланди. Истиқлол туфайли бошланган янги муаззам тарихимиз саҳифаларига бу кун зарҳал ҳарфлар билан абадий ёзилиб қолди.

Мустақиллик майдонидаги исм-фамилияларни ўқиб туриб, беихтиёр кўзларга ёш келади: уларнинг кўнчилиги исми номаълум аскар эди. Ахир тутилган инсон номаълум бўладими, унга ота-онаси яхши ният билан исм қўяди-ку. У, гарчи, урушда ҳалок бўлган эсада, авлодлари хотирасида тирик

яшайди-ку!

Хотира — тубсиз булоқ. У қайнайверади, қайнайверади. Ҳали ўтган аждодларимиз олида қарзларимиз қанча, Ҳали тикландиган муборак номлар қанча! Улар тарихнинг варақларида жимгина сукут сақлаб турибдилар. Улар Ватан фарзандлари, уларнинг хотираси муқаддас.

Мунгли она ёдгорлиги олдида утганимизда оёғимдан то бешимгача жимирлаб кетганди. Не-не хаёллар оғушида уйга кириб келсам, ўша Мунгли она айвонимизда утирибди. Умринг узоқ бўлур онам шунчалар қайтуга ботган эдик, назаримда хотира боғидаги она сиймоси тирилиб келгандек эди. "Ўн бир бола тугдим, учтасига эга бўлдим. Турт йил отанг урушда бўлди. Турт йил йиқилсам ер тишладим. Не-не одамлар ўтиб кетди. Ойнаи ҳақонда онанинг утиришини қуриб, хаёлларим тугиб кетди. Барака топсин Президентимиз, ҳамма-ҳаммасига ёдгорлик қўйибдилар. Ҳали ҳеч бир юртда бунақа эъзоз бўлмаган". Чиндан ҳам Мунгли она ҳамма оналаримизнинг муътабар сиймоси, она Ўзбекистоннинг тимсолидир.

Инсон бу дунёда қадр қилини керак. Кишининг виждони вужудида уйғоқ турган бўлса, албатта, тилга қиради: "Сенга, бошқаларга яхшилик қилиб яшаган одамни нега уйламайсан? Унинг урнида бўлсанг, сен нима қилар эдинг?". Ахир кун утгани сари қонли урушда жон олиб, жон берган, фронт ортида манглай тери билан тулғоғимизни сугорганларнинг сони қаммайиб бормоқда-ку, улар-

ни тавоф этмасак, қадр-қимматини, иззатини жойига қўймасак, муносиб ворис бўламизми?

Мустақиллик майдонидан утганимизда дилимда шундай туйғулар жунбушга келади. Шунда вужудимда бир олов енади: шукур, биз инсон хотираси улугланаётган, қадрли эъзозланаётган Ўзбекистонда яшаймиз. Неча-неча орауларнинг амалга ошаётганини кўраймиз. Неча-неча авлод етолмаган ёруғ кунлар ила юз қуришаймиз. Бу йил иккинчи марта нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш куни халқимизнинг онгига сингиб кетди. Бу мустақилликнинг буюк шарофати эмасми? Бу одамларимиз тафаккурдаги инқилоб эмасми? Бу истиқлол деган сўзнинг асл мазмун моҳиятини чуқур англаб етишининг бир ифодаси эмасми?

ИНСОН ХОТИРАСИ!

Қанчалар улуг, қанчалар муътабар бу сўз. Лекин хотирада қолмоқ — Ватан учун, халқ учун яшамоқдир. Хотирада тирик қолиш эса умрининг зое кетмаслигидир. Демак, сендан ҳам авлодларингга арзигулик мерос қолибди. Демак, яхшилик учун яшабсан. Яхшилик учун яшаш эса тирикликнинг ўқ илдизидир! Шу муборак кунда жисми орамизда йўқ, лекин хотираси барҳаёт кишиларимиз руҳига таъзим бажо айлал айтмайзми:

— Сизнинг хотирангиз бизнинг ҳаётимиз учун байроқ бўлгусидир!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ҚАЛБИМИЗДАСИЗ, АЗИЗЛАР



1954 йилда "Тошкент ҳақиқати" газетасига ишга келганман. Бу кунни ҳамisha фохр билан эслаб юраман. Газетанинг биринчи сониди биринчи очерким чоп этилган. То 1985 йилгача, 31 йил давомида бўлим мудири бўлиб ишладим. Бирга ишлаган сафдошларимнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ, лекин, хотирамизда доим тирикдай.

Раҳматли Аҳмад Исмоиловни бир мен эмас, барча ҳамкасбларим миннатдорчилик билан эслайдилар. У кишининг жону дили яхши сўз, яхшилик қилиш эди. Ҳамкасбларини ниҳоятда қадрларди. Ижодкор аҳлини қўллаб-қўлтиклаб,

чарчамас эди.

Яна бир қаламқаш биродарим Муборак Ғозиев Мирзачўлдаги туман газетасида ишларди. Кўпчилик билмас керак, ўша элгинчи йилларда Сирдарё Тошкент вилояти таркибига кирар эди. Чўлуварлар ҳақида аjoyиб лавҳа, очерклар ёзар эди. Муборак Ғозиев "Тошкент ҳақиқати"нинг энг фаол муҳбири эди. Чўлда кўп марта учрашганмиз раҳматли билан. Кейин узоқ йиллар бирга ишладик. Бундай меҳнатқаш, тиниб-тинчимас инсон кам бўлади.

Кишлоқ ҳўжалик бўлими мудири Салимжон Махаммовни ҳамisha қалами чархголик публицист сифатида хотирлайман. "Кишини сафарда сина", дей-

ди халқимиз. Салимжон билан даярли ҳамма туманларда бирга ижодий сафарларда бўлганмиз. Мавзунини топар эди. "Дала бахти" китоби ўз даврида тилга тушганди.

Яна бир ижодкор инсон, уруш қатнашчиси Босит Халилов ҳақида сўзлагим келди. Ниҳоятда камтар, қалами ўткир, ҳозиржавоб журналист сифатида тахириятимизда қамолга етди.

Кеча Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда тахириятга кўп йиллар муҳаррирлик қилган марҳум Аҳмад Исмоилов таваллудига 85 йил тўлиши муносабати билан "Тошкент ҳақиқати" тахириятида ишлаб кетган кекса журналистлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг бир гуруҳи билан учрашув бўлиб ўтди. Бир пайла чой устида ўтган ширин суҳбат мобайнида ўтганлар хотирланди. Фахрийлар республикамизда кексаларга қўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан мамнун эканликларини изҳор этишлар.

СУРАТДА: учрашув иштирокчилари.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ҳокимлигида

СОҒЛОМ АВЛОДГА — СОҒЛОМ МАВСУМ

Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва уларни соғломлаштириш ишларини амалга ошириш бугунги куннинг муҳим, долзарб вазифаларидан биридир.

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда "Соғлом авлод йили" ёзида болаларни оромгоҳларга жалб этиш, уларнинг дам олишини ташкил этиш ҳамда соғломлаштириш ишларини қучатириш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ қўмиталарининг раҳбарлари, жойлардаги болалар оромгоҳларининг мутасаддилари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини А. Раҳимбердиев бошқарди.

Бу борада 1999 йил натижалари муҳокама этилар экан, йўл қўйилган камчиликлар ҳам очик-ойдин айтилди. Шу билан биргаликда 2000 йилда вилоят қасаба уюшмалари тизимидаги ҳамда қорхона, ташкилот, муассасалар таъсирфидоги болалар оромгоҳларини мавсумга ҳар томонлама пухта тайёрлаш ва уларга болаларни имкони борича кўпроқ жалб этиш юзасидан жиддий ишлар қилиниши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидоги масалалар юзасидан вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши раиси М. Тўлаганова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг муовини М. Мирсоатов, вилоят Санитария эпидемиология станцияси бош шифокори В. Андрианов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф-истакларини билдирдилар. Йиғилишда болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш ва уларни соғломлаштириш ишларини намунали ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

АРДОКЛАГАН ЭЪЗОЗДАДИР

Янгийул шаҳрида уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган Ватан келажаги йўлида қурбон бўлган сафдошлари хотирасини қалб тўрида ардоқлаётган 274 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари умригужаронлик қилишди.

Шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказдилар. Янгийулликлар ота-оналари, хешу-акраболари, ёруғдўстлари ётган қабристонларни ободонлаштириш, хотира майдонларини гулзорга айлантириш ишла-



рида қатнашдилар.

Шу кунларда Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказиш бўйича ҳокимлик комиссияси аъзолари ҳар бир уруш иштирокчисининг хонадонига бўлиб, 5 минг сўм пул ҳамда шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғаларини топширмоқдалар.

НАВБАТ "ФАРАЗ" ВА "МАЙСАНО"ГА



Бугунги кунда Янгийул шаҳри ҳудудида "Ян-Але-ра" Ўзбекистон-Литва, "Россиса" — Лорена" ва "Фудмаш" Ўзбекистон-Болгария ҳамда "Янги-Вега" Ўзбекистон-Австрия қўша қорхоналари фаолият

қурсатиб келмоқда. Хадемай, бу ерда яна иккита шундай қорхона иш бошлайди. Булар "Фараз" Ўзбекистон-Покистон ва "Майсано" Ўзбекистон-Германия қўша қорхоналаридир.

"Фараз" тўқимачилик маҳсулотлари — юмшоқ туқли сочиқлар, "Майсано" эса, "Ўзбекистон марвариди", "Президент", "Буюк Ипак йўли" ҳамда "Элита" спиртли ичимликлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

ЁШЛАР СПОРТ МАКТАБИ

Олмалик кон-металлургия қўмитаси ва унинг қасаба уюшмаси қўмитаси "Соғлом авлод йили"да ишчи-хизматчилар фарзандларининг саломатлигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирларни белгилдилар ва уларни амалга оширмоқдалар. Яқинда шу мақсадга хизмат қилувчи янги бир маскан очилди.

Комбинатга қарашли "Металлургия" спорт клуби қошида болалар-ўсмирлар спорт мактаби барпо этил-



ди. Унинг талабалари спорт ва жисмоний тарбиянинг қатор турлари билан шугулланишлари мумкин. Бунинг учун барча зарур асбоб-анжомлар харид қилиниб ўрнатилди.

ҒОЛИБНИНГ ИСМИ ТЕМУР



ВИЛОЯТ Халқ таълими бошқармаси, Ўқитувчилар малякасини ошириш институти ва вилоят Қизил ярим ой жамияти ҳамкорликда

ташкил этган "Жамият ва биз" деб номланган олимпиадада ўқувчилар "Инсон ва жамият" курси бўйича билимларини намойиш қилдилар. Унда Пскент туманидаги 7-лицей мактаб талабаси Темур Мираҳмедов биринчилиكنи қўлга кiritиб, республика миқёсидаги синон майдонига йўлланма олди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Билки, қадр билмак аслида — Ватан, ватаннинг маъноси боқий хотира

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунин

БИРОНТА НОМАЪЛУМ ИНСОН БЎЛМАГАЙ

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ҳамда "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Нам Каримов ҳикояси.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ўтган йилнинг 12 майдаги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра, мустамлакачилик даври қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ташкил этилган эди. Бу комиссиянинг асосий вазифалари эътиб қатагон қурбонлари бўлган минглаб элдошларимизнинг номларини аниқлаш, абадийлаштириш, уларнинг ҳаётини ўрганиш, кенг халққа маълум қилиш каби масалалар белгиланган эди.

Мустамлакачилик даври деганда тарихимиздаги бирон-бир муддатни тушунамас керак. Чор Россияси Туркистонга босиб киргандан бошлаб ўтган 130 йиллик даврни назарда тутсак ўринли бўлади. Бу даврда ватандошларимиз бир неча бор миллий-озодлик ҳаракатларида иштирок этдилар, жуда ҳам қўплари ҳалок бўдилар. Дўкчи эшон, Ҳўлатон, Абдурахмон офтобчи, Намоз Пиримкул ўғли сингари кўзголон етакчилари — халқ қаҳрамонларини биламиз. Улар ҳақида асарлар ҳам ёзилган. Лекин бу мардларнинг сафдошлари бўлган, оқилган, отилган, сургунларда ҳаётдан қўз қонган одамлар жуда кўп. Улар ҳақида аргизгил ҳужжатлар ҳам ҳозирча ҳам учрайпти.

Яқинда бир маълумотга дуч келдик. Муҳиддин Қори-Ёқубовнинг падаври бузуқвори Мухаммад Салим қори Дўкчи эшон ҳўзурига борган, ихтиёрий тарзда аскарликка аъилган, ҳатто Фарғонанинг қўлаб дин аҳллари, мударрис мулалар ҳам ундан ибрат олган экан. Қўзголон бостирилган, қўпларнинг қатл этилганини, сургун қилинганлигини қўрган Мухаммад Қори қўраги ёрилиб ўлган экан. Ушанда Мухиддин Қори-Ёқубов эъди тўрт ёшга тўлган экан. Бундай далилларга, тасдиқларга дуч келиш учун тарихий китобларни ўқиш, архивларни, ҳўссан, Туркистон губернатори архивини синчиклаб ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Назаримда мустамлакачилик даврини бир неча бўлақларга бўлиб ўрганиш мақсада мувофиққа ўқшайди. Чўнончи: — 1868-1918 йилгача — истибод даври халқ озодлиги қўзғолонларида ҳалок бўлганлар; — 1918 йил — тор-мор бўлган Туркистон муқторийчиларини излаб, топиш, номларини тиклаш, тарихларини ёзиш; — 1920 йилларда қайта дўнға келган "Миллий истиқлол" ташкилотни аъзолари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш; — 1930-1990 йилларгача — "халқ душмани" ва бошқа тамгалар билан айбонли, қатл этилган, сургун қилинган юртдошларимизнинг номларини тиклаш. Бу даврда қўлақлаштириш авҳига чиққан, қанчадан-қанча бегўнох одамлар бадарга қилинган, ҳўбсга олинганлиги тарихдан маълум.

Уларнинг ҳар бирининг орқасидан айғоқчи қўйилган, "советларга қарши қўруқчилик қафсиятида" каби тўхматлар билан бошқа лагерларга жўнатиб ҳам юборилган. Айнаи шу даврда зўиёларимизнинг энг фидокорлари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехўдийлар, уларнинг ўнлаб издошлари боши кўндага қўйилган. Мустақиллигимизнинг илк йилларида Мўнавар қори Абдурашидов, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий сингари ватанпарварларнинг номлари ҳам қайд этила бошланди. Хўссан, Мўнавар Қорининг сафдошлари асримиз бошларида газета-жўрналлар нашр этиб, халқимизни маърифатли қилиш йўлида қатта хизматлар қилишди. Миллий университетимиз тамал тошларини қўйишди.

1990 йилгача деганимиз ҳам бежиз эмас. Қатагон тўққинлари 1950 йилда, 1980 йилда яна авжланган ҳеч кимнинг хотирасидан чиққани йўқ. Лоақал, Гўлйа ва Ибновлар бошлаган, қўплари қон қақшатган "ўзбеклар иши"да ҳам не-не фидойи, софдил инсонлар азият чекмадилар. Комиссия мана шу даврлардаги барча ҳақиқатни тиклаши, излага чиқариши керак. Чўнончи, учун ишчи гўруҳлари, ташкил этилди. Улар архивларда, ГўрСси қўриқлишида ҳалок бўлганлар ҳам қанчасиз, жа-нозасиз дафн этилган. Хаттоки, ҳеч кимга уларнинг ётган жойи маълум қилинмаган. Бу муқаддас жой бора-бора ахлатхонага айланди. Халқ орасида эса, ўша фўжиалар ҳақида ҳақиқат ашарди. 7 ой мобайнида иш-лаганимизда, бизга қўнчилик ақл бовар қилмайдиган нар-саларни айтиб беришди. Уч метрлик қўрғон ичида тўрт қават бўлиб ётган суяклар устига ток экилган.

Инсон — муқаррам. Унинг

ДИЛИМИЗ СИЗ БИЛАН

Ўзим ёзувчи бўлганим сабаб, иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида қон кечиб, барча мусибатларни бошимдан кечирганим учун ватанпарварлик ҳақида қўп ёзим, қўп айтгим келади. Уруш ўз оти билан уруш. Хатто фронт ортида қолган одамларга ҳам осон бўлмаган. Чўнки урушнинг нафаси — гарчи ў олис жангтоҳларда бўлса ҳам — юртимизга келиб турган.

Хотира ва Қадрлаш — халқимизнинг эзгу удумлиридан бири. Бу улўф фазилатнинг давлат миқёси даражасига қўтарилиши юртимизда инсон биринчи галда эъзозланишини кўрсатиб турипти. Дарҳақиқат, ушбу байрам инсон азизлигини исботлаши билан бирга, инсон ўз Ватанини қанчалар севса, унинг ўмири шўнчалар боқий бўлишини ҳам намойиш қилипти.

Ангрелик фахрийлар ҳўзир бир лаҳза ҳам тиним билмаяптилар. Улар мактабларда, олий ўқув юртида, маҳалларда бўлиб, ўзларининг ҳаёт йўлларини сузлаб бермоқдалар. Бирга жанг қилган, шаҳид кетган сафдошлари ҳақида қўпларда ёш билан ҳўқоя қилмоқдалар.

Халқимизда "Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирик-ка керак", деган нақл бор. Биз мана шу гулларни, мана шу муҳаббатни ўтганларнинг руҳига ҳам бағишлаймиз. Уларнинг пок хотиралари олдида бош эгамиз. Вилотиимизда ўтказилаётган ҳар битта тадбирда фалол иштирок этишга иштиамиз. Бу билан ёшларимизга ўрнат қўрсатсак, ниҳоятда хўрсанд бўлар эдим. Ёшларга шўндай дегим келади. "Бўгун ёшсиз, эртага сиз ҳам биз каби кексасиз. Қадр қўрсатган қадр топади. Оталар аънанаси содиқ бўлган фарзандлар ҳеч қачон ҳам бўлмайдилар. Буни ҳаёт кўрсатиб турипти".

Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси.

БАРЧАНИНГ БАЙРАМИ

Одатда байрам ёшў қарининг ҳўлига илҳом, қўвонч солади. Бу йил иккинчи бор нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш кўни Олма-лиқда алоҳўда шўқуш ва ушўқчилик билан ўтказилмоқда. Эн аввало шаҳардаги муқаддас ёдгўрлик атрофлари тозаланди, қўчалар орасаланди. Шў кўни табригимизни қабул қиладиган уруш ва меҳнат фахрийларининг рўйхати ҳам тузилди. Бу ишларда мактабимизнинг ўқувчилари тиришқўқчилик билан қатнашмоқдалар.

Олмалик — байналмилал шаҳар. Лекин ҳеч ким ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашда "мен русман ёки қорейсман, тожикман, бу ишларга алоқам йўқ", деб қўп қовуштириб турмайди.

Одамлар жуда яхши биладики, ҳар бир урушда фидо бўлган инсон бизнинг мана шў кўнларимиз учун қўн тўққан. Мустақиллигимизда уларнинг ҳам улўши бор. Шў сабабли барча шў кўни қўлни қўлга бериб, бир-бирини иззатлайди.

Мактабимиз ўқувчилари оталари изидан бориб, уларнинг шўли аънчаларига мўносиворислар бўлиб ўлгаймоқдалар. Ўтган йили мактабимизни тамомлаган 45 нафар ўқувчининг 43таси олий ўқув юртларига киргани фикримизнинг далили бўла олади. Айниқса, бирталай болаларнинг АКСЭЛС йўлланмаси билан Америка Қўшма Штатларидаги Калифорния ва Лос-Анжелес шаҳарларида билим олаётгани қўвончли ҳолдир.

Юртимизда маънавият ва маърифатга ниҳоятда қатта эътибор берилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар эртага ўзининг қўтилган мевасини беради, албатта.

Искра ПАК, Олмалик шаҳридаги 16-мактаб директори.

МУАЛЛИМЛАРИНИ ҚЎТЛАШДИ

"Қадр", "меҳр-оқибат" сўзлари ҳўзирги кўнда тез-тез тилига олинапти. Бу сўз бизга яшашнинг янги-янги қирраларини очиб беришда. Хатта теранроқ қарашга ўргатмоқда. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни ёшларимиз дўнға-рашига қўқур таъсир кўрсатишига интилмоқда.

Хотира ва Қадрлаш кўнида тантанаворлик, қўвонч давра ташкил этиш асосий мақсад эмас. Асосийси ўтганларни ёдлаш, тирикларни эъзозлашдир. Мактабимизда ишлаб, фарзандларимизга зиё тарқатишга ўз хўссасини қўшган раҳматли Аҳмад Саидвалиев, Назир Тўлаған, Маҳмуд Мўхамедов, Қлара Алиқабарова, Зўхра Қаримова, Сўюма Аҳмаджонова, Жўраҳон Рўстамова, Ойша Тўшматова, Абдулҳамид Абдулҳамидов, Тоир Исамўхамедов, Шариф Тўраев, Бердибой Рўхисев, Аббос Аюлов, Эргаш Жўнонбековларни хотирлаб, "Оқира-тиниги обод бўлсин" мавзусида қатта қўргазма ташкил этдик. Мактабимиз оstonасига қадам қўйган қилиш уларнинг хотираси олдида бош эътиб, ёд олмақдалар.

Мактабимизнинг барча синф ўқувчилари ҳар бир фахрийга бириктириб қўйилди. Улар нафақадаги муаллим ва муаллималарнинг ўйларига бориб табриқлаб, ўз қўй ва қўшиқларини армўғон этмоқдалар, соғва-саломларини топширмоқдалар. 8-май кўни бўлиб ўтадиган тантанали ийгилишга эса кекса муаллим Х. Охўновни тақлиф этамиз.

Фахрийларимизни эъзозлаш маросимларини ўтказишга фўқаролар ийгини раиси С. Нор-хўжаев, "Зангиота" жамоа хўжалиги раиси И. Мўҳиддинов ва мактаб маъмурияти ўз ҳўссаларини қўшмоқдалар.

Н. УМРЗОҚОВА, Зангиота туманидаги 33-ўрта мактаб директори ўринбосари, О. ЭШОНОВА, она тили ва адабиёти ўқитувчиси.



Тошкент туманидаги Охўн-бобоев номли жамоа хўжалигидаги Қўзгалдоқ қишлоғида кексалар ҳамиша иззат-иқромда. Шў ердаги Хотира ёдгўрлиги пўйдан сира гуллар аримайди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда бу ердаги қишлоқлардан 800 нафар алп йигит жангга қўланганди. Уларнинг 510 нафари қайтиб келмади.

Фахрий илҳом

МИННАТДОР ДИЛЛАР

Бетакор беришган инсонга ҳаёт, Тез қўр дарёдек ўтади умр. Бахту меҳнат ила бу ёруғ ҳаёт, Тоза қўнчиларга солади гурур.

Ҳалола покликда иймонинг бутун, Не ишга қўл урсанг, қўтлағай омад. Халқим ўтганларни хотирлар бугун, Ватан деб, халқим деб яшаса фақат.

Азалий ҳўқмати доно элимнинг Ватанга фидойи абад тирикдир. Аждодлар шарофи — нури дилмининг Ўзини ўйлаган тирик — ўлиқдир.

Яхшидан боғ қўлар, бу доно ҳўқмат, Қалб қўри қўшдек абадий яшар. Ҳаётда офтобсан, ёғилгай хўрмат, Замонлар ўтсада, эъзозлар башар.

Ҳаётнинг баҳору, қиш ҳам аниқ, Ёшларда истеъдод қадрига етсиз. Юртида шўхлар яшаркан тиниқ, Қўнчил китобида оламни битсиз.

Она ер фарзанди ҳар битта инсон, Яхшидан боғ қўлар, ёмонданчи — доғ.

Келсанлар кетади, навақирон жаҳон, Баридан хабардор меҳрибон Аллоҳ.

Тириксан, қадрла ҳаёт онларин, Савобли ишларга қалбинг очавер. Барқ уриб қолажак сулашан боғларинг. Ҳариблар учраса, меҳринг сочавер.

Хотира кўнида қалбларда қўёш, Ёдгўрлик пўйига қўямиз гуллар. Яхшилар руҳига эъзаҳамиз бош, Шўқрона айтмди миннатдор диллар!

Рўзимат ДАМИНОВ.

САЛОРДАГИ ЗИЁРАТГОҲ

1998 йилнинг ноябрида вилоят ҳўқимлигида Салор қўрғонидан номаълум одамлар суякларни топилаётганлиги ҳақидаги хабар келди. Тезликда ўз берган аҳвол билан танишиб, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ва қидирув гўруҳи ноябрь-декабрь ойларида биринчи қидирув ишларини олиб борди ва хатда келтирилган далиллар тасдиқланди.

Ўтган йили Наврўз байрамидан сўнг экспедиция ўз ишини бошлади. 3 метрлик қўрғон очилди. Топилаётган суякларни ўрганди.

Шў ерда яшовчи аҳоли билан сўхбатлашдик, гўвоҳларни изладик. Ётти ойлик ишимиз якунида, ноябрнинг сўнги ҳафтасида суякларни дафн маросимини ўтказишга қарор қилишди. Шў тариха 62 юртдошимизнинг суякларни қафланлди. Биродарлик қабири қазилди. Қўрай тумани имом-хатиб жа-ноза ўқиди. Тошкентдаги кафедрал собори прото-иерейи ҳам христиан ода-ти бўйича маросим ўтказ-ди. Суяклар қабрга қўйил-ди. Вилоят ҳўқимлиги, Қўрай тумани ҳўқимлиги, "Олтин мерос" жамғарма-си, Салор қўрғони фўқа-ролари номидан гулчам-

хотираси — муқаддас. Агар шў буюк қўнонот, борлиқнинг энг олий қўнони бўзиса, тирик-лар тақдир фўжиали бўла-ди. Буни тарихдан биламиз. Минглаб юртдошларимизни нобуд қилган даҳшатли тузум нима билан туғди, унинг тақ-дири қандай бўлди? Ахир та-рих ва хотирани яшириб, уну-тиб бўладими? Фақоҳас хал-қимизнинг бошига тушган



шимиз каби унинг ўтмишини қадрлайлик, ўтганларни ҳўр-мат қилайлик, қабрисмонлар-ни олоб тайлик, тирикларга меҳри бўлайлик.

Ярим асрдан сўнг 62 юрт-дошимизга қайта дафн, қафн ва жа-ноза насиб этди. Уша жойини бугун қўрсангиз — та-нимайсиз. Вилоят ҳўқими У. Мирзақўлов, ҳўқим мўвоини А. Раҳимбердиев, Қўрай туман-

кариганда қадрини топиш экан, — дейди биринчи гўруҳ ногирони Ўйлош ота Гаффоров. — Шўқур, бу борада отахонларини онахонларимизнинг асло қамчилиги йўқ. Ёшларимизга қатта раҳмат, улар ҳамиша бизнинг иззати-мизни, ҳўрматимизни, қадрими-зани жойига қўйишяпти. Буни, айниқса, Хотира ва

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

СУРАТДА: дафн мароси-мини қўриб турибсиз.

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

"Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" де-ганларидек, инсон қадр-қўимати ҳам бирон аъйрилидан сўнгина қилинар экан. Бундай кишилар сирасига аввало ота-она, ёру-бир-дарлар ва сизу бизга оқу қорани танитган азиз устозлар кирар эканлар.

Мўраббийлар ҳақида сўз борганда инсон ҳаёлидан унутилмас мактаб дамларини-ю унга билим бериб, юксак-лик сари етаклаган устоз-лари ёдга тушади. Айниқ-са, илк бор мактаб оstonа-сига қадам ташлаганинда сени юзида очик чехра билан қўтиб олган бирин-чи ўқитувчининг унутиб бўлармиди.

Дилбар опа ҳақида уйлар эканман, уларнинг бизларга болаларга мўно-сабатлари, ўзларининг дўстларидек самимий мў-малаларни юрагинида ўчмас бўлиб муҳрибани қолган. Уша пайларни ёдга олар эканман болалиқнинг уну-тилмас шўхликлари, эшит-ган танбехлариму ҳамда мактавлар барча-барчаси ёдга тушади.

Бир кўн мактабдан қай-тар эдик. Чамаси ўша пай-лар иккинчи синфда ўқи-дик. Қизлар, болалар — барчамиз шўр-биримизга қитмириқ қилиб, шўх-шў-дон келардик. Болалиқда-ги шўхлиқда: миямга кел-ган қўтибдан ўзим қўво-ни кетгим ва ёнимдаги ўртоғимга Тоир исмли бо-лалиқ папасини олиб қўй, дея имладим. Дилмўрод ҳам менидан-да шўх бола бўлгани учун имловимни тезда тушунди ва Тоирнинг қўлидаги папасини юлқиб олди. Иккаламиз ҳаммадан олдинга ўтиб қочдик. Қўли-миздаги папани эса, ма-ҳалламиздан оқиб ўтувчи ариқчага отиб юбордик. Кейин жуфтани ростлаб қолдик.

Эртаси эрта билан мак-табга борсак, қилигимиз синфдоғиларнинг тилидан тушмапти. "Равшан билан Дилмўрод Тоирни уриб,

Равшан ЕҚУБЖОНОВ.

"ВОЛЧЬЯ СТАЯ" КИТОБИ НЬЮ-ЙОРКДА

Нью-Йоркда халқаро журналист Олег Екубовнинг рус ва инглиз тилларида чоп этилган "Волчья стая" номли китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимот маросими яқинда нийозасига етган Иккинчи бутунжаҳон русийзабон оммавий ахборот воситалари анжумани доирасида бўлди.

Сийёсий ҳужжатли детектив жанрида яратилган бу китобда 1999 йил 16 февралда республика пой-

тахтида мамлакат конституцион тизимини ағдариш мақсадида террористлар томонидан содир этилган портлашларнинг қонли воқеалари ёзилган. Дунё оммавий ахборот воситаларида халқаро терроризмга қарши кураш мавзусининг ёритилиши анжуманда долзарб муҳокамага сабаб бўлди. Шунинг учун Москванинг "Вече" нашриётида яқинда босмадан чиққан "Волчья стая" китобининг тақди-

моти халқаро журналистлар анжуманининг барча қатнашчилари ва меҳмонлари эътиборини тортди.

— Газеталар терроризмга қарши кураш ҳақида жуда кўп ёзадилар, лекин буларда маълумотларнинг тўла эмаслиги китобдаги каби муайян террористик ҳаракат устидан олиб борилган тергов тажрибаси кўпроқ қизиқishi уйғотади, назаримда, — деди анжуман қатнашчиларига

қарата Нью-Йорк штатининг вице-губернатори Чарльз Каргана. — Америка Қўшма Штатлари халқаро терроризмга қарши курашда фаол иштирок этаётган давлатларга ёрдам қилишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, яқинда АҚШ Давлат қотиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи натижалари шундан далолат бериб ту-

ТАҚДИМОТ

— Афсуски, кўпгина давлатларда халқаро терроризмга қарши кураш масаласида амалий ишга ўтиш ўрнига кўпроқ назарий ёндошилмоқда, — деди анжуманда меҳмон сифатида иштирок этган Россия Ташқи ишлар вазирини Игорь Иванов китоб муаллифи билан бўлган суҳбатда. — Ҳамон жаҳон ҳамжамияти ўз кучларини террорга қарши йўналтирмас экан, бу ёвузлик давом этаверадим. Муайян терракти фош қилишда Ўзбекистон тажрибаси диққатга сазовор.

"Жаҳон" АА.

МАҚСУД ДОМЛАНИНГ ТОПҚИРЛИКЛАРИ

Устоз Мақсуд Шайхзода ўта даражада топқир ва беозор эдилар. Ҳеч қимнинг дилини оғритмай, ҳамманинг кўнглини овлаб ўтдилар. Ҳаётдан ноллиш йўқ эди у кишида. Ҳеч қимни, ҳатто душманларини ҳам ёмонламаз эдилар. Гийбатлардан ҳоли ва пок ҳолда кетдилар бу фаний дунёдан. Ҳазиллари беғараз, танбехларини мулойим бўлар эди доим. Куйидаги биткиларим домланинг шундай яхши хулқ ва фазилатлари ҳақида:

Тошкентда Девонбеги маҳалласи бор эди. Кейинчалик шўрлар ҳокимияти йилларида уни "Казанская" деб ўзгартирган эдилар. Уша маҳалла чойхонасида бир гуруҳ ижодкорлар улфатчилиқ қилишиб, кейин шатраж ўйнай бошлабдилар. Шунда улфатлардан эзмароги жуда кўп гапириб, ҳамманинг миёнасини қотирибди. Охири гапириб чарчабди шекилли.

— Энди мен кетаман, — дебди-да, ҳамма билан бирма-бир кўп олишиб хайрлаша бошлабди. Навбат Шайхзода домлага келганда у киши қўлини ушлаб турибди.

— Иш сиз кетсангиз ким гапиринди? — дебдилар. Шунда бир сониялик суккутдан кейин, гуриллаб кулгу янграбди.

Мақсуд муаллим ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида кўп вақт яшаганлар. Уша ерда бўлиб ўтган домла билан боғлиқ бўлган хангома-лардан баъзилари эсимдан келган.

Бир кун қимизхўрлик қилмаган бўлибди. Тонг саҳарда боғимизнинг қорувули Йўлдош ака бошчилигида Тўроб аканинг аравасида бир қозқовулига бориб, ўн литрлик шиша идишда қимиз олиб келдик-да, бир жуфт жука тағиди оқар суғига солиб қўйдик. Ижодкорлар эндигина уйғониб, боғда сайр қилиб юришган экан. Шайхзода домла билан Мамарасул Бобоевга рўпарча бўлибди-да:

— Қимиз олиб келдик, — дедик.

Мамарасул яйраб кетдилару Мақсуд муаллим:

— Бизга бўлмайди-да, қон босимимиз бор, — дедилару кўлларидаги олманчи охири марта титлаб, пўчоғини бир чеккага улоқтираркан:

— Ичамиз-да, — дедилар. Улфати қон жука тағиди-даги сурдада ўтириб олиб қимизхўрликни бошладик. Бир маҳал тўғримиздаги

хонадан Сокина опа чиқиб келдилару:

— Мақсуд, ичма! — дедилар зўр ташвиш билан. Опа бизнинг ёнимизга етиб келгунча, Мақсуд муаллим қосани ботиқдилар-да:

— Бу ҳам қатъ-да, дедилар бамайлихотир.

Уша қунарларнинг бирида сув бўйидаги салқинда Мақсуд муаллим иккимиз суҳбатлашиб ўлтирган эдик. Шаҳардан Акмал ака чиқиб борибдилар.

— Хўш келибдилар, Акмал Пулат ўғиллари! — дедилар Шайхзода домла хурсанд бўлиб. — Мана энди "пирра" уйнайдиган бўлибди-да, ижодкорлар узоқ уйнадилар. Мен чой қилиб узатиб турдим. Бир маҳал уйини йиғиштириб, суҳбатга ўтишди.

— Акмал ака, — дедим мен. — Шаҳардан битта қонья олиб чиқмабсиз-да. Шунча ўлтирар экансиз, майдалаб, эрмак қилардик.

— Йўқ, ичманг, — дедилар Акмал ака. — Бунақа иссиқ кунда сердас қилмайсиз. Бизга сизнинг сердасингиз керак.

Мақсуд муаллим жилмайиб ботиб қилдилар:

— Бу кишига сердас керак, сизга пулингиз керак, а?

Шундай қилиб Акмал қилиб юришган экан. Шайхзода домла билан Мамарасул Бобоевга рўпарча бўлибди-да:

— Қимиз олиб келдик, — дедик.

Мамарасул яйраб кетдилару Мақсуд муаллим:

— Бизга бўлмайди-да, қон босимимиз бор, — дедилару кўлларидаги олманчи охири марта титлаб, пўчоғини бир чеккага улоқтираркан:

— Ичамиз-да, — дедилар. Улфати қон жука тағиди-даги сурдада ўтириб олиб қимизхўрликни бошладик. Бир маҳал тўғримиздаги

Дўрмонда гоҳ-гоҳ бильярд ўйнар эдик. Маълумки, бу ўйинда қудай келган соққаларнинг "свои", "чужой" деган номлари бор. Мақсуд муаллим уларни ўзбекчада "шайх", "узак", "узақ", "узақ" деган эдилар. Бир вақт узоқдаги соққага бўйларни етмай, бильярд столига етиб олиб урдилар ва:

— Мана буни "ёталок" деймиз-да, — дедилар.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Ибратнома

ДОНОЛАР МУҲАББАТ ҲАҚИДА

- БЎЛМАСА ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки жон бўлмасун, Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ, Хусни негетун кишиким они йўқ.
- **Алишер НАВОЙИ.**
- ДУСТЛИК ва севги — мана шу икки буюқ тўғу исонни бутунлай ўзгартириб юборади.
- **жан пол.**
- МУҲАББАТ шу қадар қудратлики, у бизнинг ўзимини ҳам қайтадан яратади.
- **Ф. ДОСТОЕВСКИЙ.**
- СЕВГИ кўпгина ақлли кишиларни ақлдан оздиради ва ақлсизларга ақл беради.
- **Д. ДИДРО.**
- ЭНГ АҚЛЛИ эркак севган пайтида аҳмоққа айланади! Энг енгилтақ қиз эса, севса ақлли бўлиб қолади.
- **М. САФИР.**
- КИМКИ севгини билмас — демак, у яшамади.
- **Ж. МОЛЬЕР.**
- ЎТМИШНИ ҳам, келажикни ҳам тан олмаган ягона эхтирос — севгидир.
- **О. БАЛЪЗАК.**
- ИНСОННИНГ қонида уни юксакликка кўтарувчи абадий севги эхтиёжи мавжуд.
- **А. ФРАНС.**
- СЕВИШГАНЛАРНИ жа-соратга, ақл бовар қилмас хавф-хатарларни енгиб ўтишга даъват этувчи муҳаббатнинг қудрати тугамасдир.
- **Ж. БОККАЧО.**
- БУЮК қалблар севгини улуглайди.
- **Ф. ШИЛЛЕР.**
- СЕВГИДАН сакловчи турли-туман дорилар бор, лекин ҳеч биридан даво йўқ.
- **Ф. ЛАРОШФУКО.**
- СЕВГИСИЗ одам — одам эмас.
- **КОБУС.**
- **Тўпловчи: Қидирбой ТУЛАБОВЕВ.**

Шошилганда борар манзилнинг нияҳида узоқ туюлиб кетади... Енгил машинада уч йўловчи — икки ўспирин йигит, бир кекса аёл боришарди. Улар "Бу-винг оғир бетеб, тезда етиб келинглар", деган ноҳуш хабар олгач, апила-отилиб йўлга чиқишган. Манзил ҳали йироқ, Юрак беҳаловат. Кўнгилга нималар келмайди... Айниқса, аёлнинг қалби зим-зиё. Уни ҳудуд-беҳудуда ча-қиришмасди. Бетеб бўлиб қолган буви унинг жигари — опаси. Улар орасидаги фарқ жуда кам — икки ёш ҳолос. "Касал бўлиб қолди", дейишган буви етмиш сак-киз ёшда. Уни кўргани ҳузу-рига ошиқайтган сингил ет-миш олтида. Уларни бирга кўрган одам Фотима-Зухра дейди. Бир-бирларига қуй-иб қўйгандай ўхшашади.

Каттасининг исми ўз оти билан Мехри. Катта-ю кичи, барчага баравар меҳр-шафқатли бўлгани учунми, ши-ринсуз, камсухлангиданми қўни-қўшни, қариндош-ру-лар уни яхши кўришарди. "Мехри аяжон" деб тиллари-дан бол томарди.

Тақдир азал экан: Му-слима Тошкентда турмуш қуриб қолди, Мехри Кўкон-да. Манзил йироқ бўлса ҳам, қилгил яқин. Опа-син-гил бир-бирларини соғи-ниб-соғиниб кўришди, сал узоқиб кетса йиллаб бир-бирларининг бағрига оти-лишадилар...

Енгил машина ҳамон бир маромда кетиб борапти. Довон охиб қолишди. Оқшом қўқди. Муслима Оқшом беговта кўнгли ҳам зим-зиё. Ўзини қалгитмоқ учун ҳаёлга қўмди. Узоқ йиллар паришон хотираси-да жонлибди, кўз олдида ўтаверди.

Хотиралар... Ёшлиқдаги тошга ёзилгандай ёдда қол-ган хотиралар. Мана ора-дан 65 йил ўтган бўлса ҳам, худди кечагидай, унинг икки-чикиригача эслаб бо-рарди Муслима она...

1927-28 йиллар юртга бир офат ёғилди. "Қулоқ-қулоқ" деган шум хабар тар-қалди. Шунда мўжазгина

ҳовлида Мехри ва Муслима ҳамда уларнинг яна бир опа-си-ю катта акалари ота-онала-ри билан тинч-осойишта ҳаёт кечирибдиларди. Дадаси чипту-руш эди. Нима бўлди-ю оила-сига қойибдан бало ёпишди. Куппа-қундуз кун "Сен қулоқ қилиндинг" деб дадаларини олиб чиқиб кетишди. Эртаси-га уйга тинтувчилар келиб, ҳамма рўзгорларини аравага юклашди. Онаси "Қўрпа-ёстик-ларни қолдириб кет" деб ара-вага ёпишган эди, "нари тур" деб сийлаб ташлашди. Она йи-қилди. Шу-шу касалга чалин-ди. Жигари ёмон лат еган экан, кўп ўтмай вафот этди. Бутун бошли

нақа хиёнат қилса? — афсус билан гапирди Мехри.

— Опа, сенга ким айтди ҳайдаимиз деб?

— Пионер важати бор-ку — Ҳидоят найвон уша айтди... — деди Мехри. Йўқ, ҳайрат қайдашди. Директор ин-софли аёл экан...

Бу ҳасратли хотиралар! Муслима онанинг ўйлари шу жойга келганда, қучур энти-киб кўзига ёш қалқди. "Ўз она юртимизда ўғайдек яша-ди. Бор-йўғимизни тортиб олишди. Хору-ру бўлдик. Беғуноҳ дадамизни сургун қилишди. Онамизни бепиҳок

юраги зир титради, "опамдан ажраб қолибман", деган фикр миёнага яшиндай урди. Ма-шинадан тушган захоти дар-воза олдида турганлар хола-ларига отилишди, баравар фарёд кўтаришди: "Онамиз-дан ажраб қолдик, холажон!"

"Опажон, қанисиз", деб дод солаётган сингилни май-ит ётган хонага олиб кириш-ди. Катта уй тўрида юзига оқ рўмол ёпилган опаси ётар-ди... Сингил келиб тиз қўчди.

Муслима она эгачиси ёни-дан жилгиси келмаса-да, тўсатдан рўй берган бу муси-ба тафсилотини билишни ис-тарди. "Бу қандай гап? Ке-чагина соғ юрган опам бир-

Қизик хангомалар

Бир кун қимизхўрлик қилмаган бўлибди. Тонг саҳарда боғимизнинг қорувули Йўлдош ака бошчилигида Тўроб аканинг аравасида бир қозқовулига бориб, ўн литрлик шиша идишда қимиз олиб келдик-да, бир жуфт жука тағиди оқар суғига солиб қўйдик. Ижодкорлар эндигина уйғониб, боғда сайр қилиб юришган экан. Шайхзода домла билан Мамарасул Бобоевга рўпарча бўлибди-да:

— Қимиз олиб келдик, — дедик.

Мамарасул яйраб кетдилару Мақсуд муаллим:

— Бизга бўлмайди-да, қон босимимиз бор, — дедилару кўлларидаги олманчи охири марта титлаб, пўчоғини бир чеккага улоқтираркан:

— Ичамиз-да, — дедилар. Улфати қон жука тағиди-даги сурдада ўтириб олиб қимизхўрликни бошладик. Бир маҳал тўғримиздаги

Дўрмонда гоҳ-гоҳ бильярд ўйнар эдик. Маълумки, бу ўйинда қудай келган соққаларнинг "свои", "чужой" деган номлари бор. Мақсуд муаллим уларни ўзбекчада "шайх", "узак", "узақ", "узақ" деган эдилар. Бир вақт узоқдаги соққага бўйларни етмай, бильярд столига етиб олиб урдилар ва:

— Мана буни "ёталок" деймиз-да, — дедилар.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

АРМОҲ

(Ҳикоя)

оилага путур етди. Қариндош-лар болаларни техникум, етим-хоналарга жойлаб қўйишди. Катта акаси ва опалари анча эсли бўлиб қолишганди. Ле-кин кичиклари Мехри ва Му-слима етимлик жаҳрини кўп тортишди. Бир кун Мехри ётоққа йиллаб келди.

— Муслима! Шўримиш қуриб қолдинг. Бизни билим юртидан ҳайдашармиш.

— Нимага, опа? — сўради Муслима.

— Қулоқнинг қизлари, деб. — Вой опа, энди нима қиламиз? — йиллаб юборай деди Муслима.

— Билмасам, — ғамгин жавоб қилди Мехри.

— Опа, "келиб чиқшинг ким?" деган сўроғига отамиз қустар (қосиб) деб ёзувдинг-ку? — опасини юпатмоқчи бўларди Муслима.

— Биров қаққанга ўхшай-ди. Фақат қимийкинг?

— Опа анови ўртоғинг бор-ку, Муборкиди?

— Ҳа, ўша. Бирда эсинг-да-ми, дадамизни сўраганида, Сибиридани деб айтувдинг.

— Тўхта-тўхта, рост айта-сан. Ҳа, Муборкинг иши бу.

Бир марта ҳисобини ишлаб бермоқдим, араз қилиб юрув-ди. Наҳотки, ўртоқ ҳам шу-

дан"... Ёнида ўтирган отиноий "Жигарингиз Аллоҳнинг сев-ган бандаси эканлар, осон ўлим топдилар, кўп қўйманг", деб Муслима онани юпатмоқ-чи бўларди.

— Ахир, нечук тўсатдан жон бердилар?

Қари почаси — опасининг умр йўлдоши гап бошлади:

— Тўппа-тўзук гаплашиб нонушта қилаётган эдик. Бир-дан "юрөгим" деб қолдилар, шовиб "тез ёрдам" чақирдим. Аксига олиб, ха деганда ке-лавермади. Опангизни қон босими баламд эди, билардин-гиз, шу чоқ дорисини қидир-дим, қани топсам!.. Бу кўргу-лик бор экан-да, — деди почаси рўмолчаси билан кўз ёшларини артиб. Бироздан сўнг бир ўх торти-да, бўғиқ овозда давом этди. — Шуниси армон, армонки ўғил-қиз, невар-эвараларидан ўша пайтда бирови ҳам олдимиз-да бўлмаса-я, уларни қақир-ғунимча ҳам фурсат ўтмади, "ҳовлига чикай" деди жон ҳолатида кўзгалди. Охириги гапи шу бўлди. Аттанг, қўлим-дан ҳеч нарсас келмади. Раф-латда қолдим.

Унинг қалбини армон тил-қалар, олтимиш олти йил бир ёстикқа бош қўйган азиз ки-

чиши, бир оғиз қаттиқ сўз айтмаган, урушдан ногирон қайтганда теварағида гир-ди-қапалак бўлган, меҳри-бонидан жудо бўлиш жуда оғир эди. Дарҳақиқат, Мех-ри опа ўзининг ҳузур-хало-ватидан кечиб, оила аззо-лари оғирини енгил қилар-ди. Ҳатто, фарзандларни-кига бораганда ҳам, "ёлғиз қолдирилмайман, биласан-ларку даданг кексайиб қол-дилар, овқолари майиб" деб, бир кечага ҳам қол-мас эди.

Муслима она почаси-ниг қуваққина гавдаси қўчиб қолганини кўриб унга ич-ичиндан ачинди, "Опам-сиз ҳолингиз не кечади. Эй, меҳридорё опажоним, ҳаммамизни доғда қолди-риб кетаяпсиз", дилдан ўтказди гусса билан. Опан-нинг ҳаёти оғир кечди, лекин "тош келса кемириб, сув келса симириб" деган нақл Мехри она ҳақида айтилгандай эди. Муслима она опасининг юзиди яна очди, узоқ тикилди... Беш фарзанднинг ҳам бағри тўла армон. Дилларида ҳас-рат: "Онамизнинг қон бо-симилари охиб, юрак ҳас-талиги бот-бот хужур қилиб турган эди-ку, нега гафла-тда қолдик? Неге шу тонг волидамиз ҳузурда беш фарзанддан бирортамиз бўлмадик? Ҳатто рози-ри-золик ҳам сўрай олмадик", деган армон уларнинг юра-ғини эзар, алам билан фарёд чекишарди...

Муслима она опасининг чехрасига тикилганча, ун-сиз йилларди. Бундан бир ой олдин, опаси бир нева-расини турмушга чиқарган-да, тўйга келган эди. Тўй маросимларида ижодлари бир-бирларидан ажралиш-мади. Тўй тугаб қайтаётган-да, "Кетаяпсанми, Муслима" деб маҳкам бағрига босган "ўласини тутаолмай эзиллиб йиллагани кўз ўнги-да гавдаланди. Опасининг юзларидан юмалаб тўшаёт-ган ёшларини эслади...

Сингил ўзини тутта ол-мади, "Гуноҳкор сингилнигиз-дан рози бўлинг" деди-ю аччиқ-аччиқ фарёд чекди.

Фарида УСМОНОВА.

ЗУЛФИЯХОНЛИК СОАТЛАРИ

Юқориқирчқ туманидаги Ҳамид Олимжон номли мар-казий болалар кутубхонасида "Зулфия — тинчлик ва дўстлик жарчиси" деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда кутубхона директори Равшана Худойберганаева, 7-урта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувачиси Мавлуда Аҳмад-дильева, болалар шoirи Собир Олимжон, кутубхона хо-димлари Мукамбар Обидова, Гулзира Норматова, Нилуфар Жалиловлар сўзга чиқибди, танқили шoirи Зулфиянинг ўзбек адабиётига ҳақиқда қўшган ҳиссаси, ҳаёти ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Ўқувчилар шoirанинг она Ватан ва саждат, Она Ватан ҳамда тинчликка даъват этувчи мумтоз шеърларидан ўқиди. Болалар кутубхонаси хо-димлари томонидан ташкил этилган "Зулфиянинг ижод йўли", "Қалбимизга яқин шoirлар", "Буюк Шарқнинг хур қизи" каби мавзулардаги деворий газета ва китоблар кўргаз-малари кечага янада фойз бағишланди.

Латифжан МАНСУРОВ.

"Тошкент ҳақиқати"нинг навбатдаги кичик сони 13 май куни чиқади.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

Теннис

"ҲАВАС – БУГУН СТАРТ ОЛАДИ 2000"

6-8 май кунлари пойтахтдаги "Динамо" теннис клуби кортларида "Ҳавас – 2000" турнири мусобақалари бўлиб ўтади

КАТТА ракетака ихлос-мандларига яхши маълумки, теннис бўйича "Ҳавас – 2000" мусобақалари бу йил бешинчи марта ўтказил-моқда. Мамлакатимизда ушбу спорт турининг тобора кенг оммалашувига хизмат қилаётган аънавий теннис мусобақаларининг йил сайин нуфузи охиб, муҳлислари сафи ҳам кенгай-иб бормоқда. Шуниси қувончлики, бу йил турнир-да иштирок этувчилар сони ҳам анча кўпайди. Бу эса "Оммавий спорт – саломат-лик гарови" шiori остида ўтаётган турнир ўз олди-га қўйган вазифани шараф билан адо этаётганини кўрсатади.

Мусобақаларнинг даст-лабки, яъни саралаш бо-сқичларида вилоятларда яқун аялабди, 6-8 май ку-нари "Динамо" теннис

кортларида бўладиган финал босқичида иштирок этувчи теннисчилар аниқланди. Та-биийки, улар турнир шартига мувофиқ вазирликлар, ҳоким-ликлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари-ди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Динамо" кортларида "Ҳавас-2000" турнирининг финал қисмининг намунали ўтказиш учун тайёрлашга жиддий эътибор қаратди. Қомил ишонч билан айтиш мумкин-ки, ушбу клубнинг теннис кортлари мавжуд техника во-ситалари, зарур асбоб-уску-налар жиҳатидан Овруподаги энг яхши спорт клубларидан қолишмайди. Демак, аънавий мусобақаларнинг намунали ўтичи шубҳасиз. Шунингдек, голибларни ҳокийларнинг ўзига хос совринлари кутмоқ-да.

Самад ЙЎЛДОШ.

БИРИ ПАРВОЗДА, БИРИ ИНҚИРОЗДА

ва аксинча, энг кам тўп ўтказ-ган урта жамоадан бири ҳам — "Дустлик". Айтиш мумкинки, жа-моанинг ҳимоя чизиги ҳам, ҳужум чизиги ҳам мустаҳкам.

Шундай бўлсада, вақиларни-мизнинг аввали 3-турда "Гулис-тон" жамоаси билан бўлган уч-рашувни ҳусусида алоҳида тўхта-либ, баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтишимиз лозим деб ўйлаймиз. "Дустлик"нинг ўз ма-дониди, бунинг устига жадвал-нинг охиригидан қой олиб тур-ган олий табақа дебютантлари билан дақиқа унутмаган ҳолда мавсумнинг бошидан то охири-гача ҳатто битта очкони ҳам бўҳида йўқотмаслигининг пайида бўлишди тўғри. Такрор айтмай, мавсум якунида бир очко ҳам

Ушбу мағлубиятни ўзидан қучибсиз қамолларни менсимай ўйнаш оқибати десак, янглиш-маймиз. Спортда ва айнакча, футболда бундай воқеалар учраб турди ҳар ҳолда. Лекин, бу йил-да узиғи таскин берадиган жа-моа мавсум якунида галив сув-дан кўтарилганида қаттиқ панд еб қолиши мумкин. Чемпионлик тоғини қўйдан берилмаган деган жамоа "Нефчи", "Навбахор" каби кўп йиллик тақрибга эга бўлган "уста"ларнинг имкониятларини бирор дақиқа унутмаган ҳолда мавсумнинг бошидан то охири-гача ҳатто битта очкони ҳам бўҳида йўқотмаслигининг пайида бўлишди тўғри. Такрор айтмай, мавсум якунида бир очко ҳам

Чемпионлик тоғи тақдирини ҳал қилган вазиятлар кўп бўлган. Вилотиямизнинг яна бир ва-қили, бу йилги чемпионатнинг дебютантлари Анреннинг "Семур" жамоаси ҳам ўз муҳлисларини ҳушуд этмоқда. Унта турдан сўнг кўп йиллик тақрибга эга бўлган бир қатор номдор жамо-аларни қиройли ўйналари билан босиб ўлиб, жадвалнинг туртин-чи поғонасини эгаллаб туриш "янги меҳмон" учун ҳақиқатдан катта ютуқдир. Шуниси диқ-қатга сазоворки, анренликлар номдорлардан зарарча қўчмай, тўп суриб, ҳатто, сафарда ҳам икки марта галаба қозонишга муваффақ бўлибдилар.

"Семур" ҳақида гап кетганда жамоанинг энг моҳир ҳужумчиси Нейматилла Қўтубоев номини тилга олиш жоиздир. У ўзининг турда "Турон" билан бўлган уч-рашувда унта тўп қиритиб, "хет-трик" ка эришди.

Вилотиямиз футбол муҳлисла-ри "Металлур" жамоасидан чи-ройли ва самарали ўйин қўчиш-га ҳақлидирлар. Чўчки у олий табақанинг дебютантларидан эмас. Лекин, афсуски, бекқоб-диклар муҳлислар ишончини оқлай олмаётганлар. Хусусан, улар кейинги уч турдаги тўққиз имкониятдан лоқал бир очкони ҳам қўлга қиритолмай, жадвал-да 13 ўринга тушиб кетдилар. Кетма-кет уч ўйинда рақиб дар-возасига битта ҳам тўп қиритол-магани устига ўз дарвозасидан 7та тўп ўтказиб юбориш ташвиш-ли ҳол, албатта.

Бу йил олий лигада биринчи марта тўп сураётган яна бир

Жамоаларнинг 10-турдан сўнг жадвалда турган ўрни

Жамоалар	Ю.	Д.	М.	Т.	Н.	О.
"Дустлик"	7	2	1	228	23	
"Самарқанд"	7	1	2	209	22	
"Насаф"	7	1	2	21:12	22	
"Семур"	5	2	3	20:11	17	
"Нефчи"	5	2	2	168	17	
"Навбахор"	5	1	2	156	16	
"Трактор"	4	3	3	14:11	15	
"Бухоро"	4	3	3	12:12	15	
"Сурхон"	4	2	3	15:12	14	
"Пахтакор"	4	2	4	14:12	14	
"Зарафшон"	4	2	4	11:19	14	
"Анжолон"	3	4	3	14:14	13	
"Металлур"	3	2	5	8:14	11	
"Қизилқум"	3	2	5	9:16	11	
"Сўғдиена"	3	2	5	7:15	11	
"Гулистон"	3	1	6	11:7	10	
"Темурйўли"	2	3	5	13:15	9	
"Хоразм"	2	2	6	6:12	8	
"Кимёгар"	1	4	5	5:14	7	
"Сўғдиена"	0	3	7	5:21	3	

Абдусамид йўлдошев, Таъбат ЮСУПОВ.

вақилимиз "Кимёгар"нинг аҳо-ли ҳам яхши эмас. Кетма-кет тўққиз турда бир марта ҳам галаба қозониш, беш учрашув бой берилганини фақат тақри-басизлик билан оқлай нозирин деб ўйлаймиз. Сабабини бошқа еқдан қидириш керакка ўхшай-ди. Жумладан, жамоанинг мураб-бийларга елчимай қолганлиги муваффақиятсизликнинг асосий сабаби десак, уринли бўлса ке-рак. "Кимёгар"ни бош мураббий Александр Иванов билан мураб-бий Геннадий Денисов олий та-бақкага олиб чиққисилди. Улар бирин-кетин "Пахтакор"га ўтиб кетишган, жамоа мураббийсиз қолди. Оқибатда қирчиқликлар тўққиз тур давомида дурандан оқори натижага эришса олмади-лар. Фақат ўзининг тур-га келиб, жадвалнинг охиригидида турган "Гу-листон"ни 1:0 ҳисобида енгиб, чемпионатдаги биринчи галабини қўлга қиритдилар.

Тўғри, асосий ўйин-лар хали олдинда "Ме-таллур" ҳам, "Кимёгар" ҳам босиб ўтилган чо-рак масофага қайта кўз ташлаб, вазиятларни атрофича таҳлил этиб, тўғри ҳулоса чиқариб, пухта режалар тузиб олиб, бундан буюн-га ўйинларда бурилиш ясаш учун вақт етарли. Ўйлаймизки, ҳар икки вақилимиз ана шу вақт-дан самарали фойдала-нади.

Сўнги — ўзининг тур учрашувлари қуйидагича яқунланди: "Дустлик" — "Сўғдиена" 4:0, "Нав-бахор" — "Металлур"

</